O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 13 декабрь, № 242 (4141) Чоршанба


# ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ СОҲАСИ





***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 декабрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси Президентининг ёрдамчиси Жаҳон Поллиева раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.***

— Сизнинг ташрифингиз Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар суръат билан ривожланиб бораётганига яна бир тасдиқдир, — деди Ислом Каримов. — Ўтган йилнинг ноябрь ойида мамлакатларимиз ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланди. Ўзаро алоқаларнинг суръати ва кўлами шу ҳужжатга мос равишда изчил ошиб бормоқда. Биз гуманитар соҳадаги ҳамкорликка кўп қиррали ўзаро муносабатларимизнинг муҳим таркибий қисми сифатида қараймиз.

Президент Ислом Каримов давлатлараро муносабатларни ривожлантиришда иқтисодий, сиёсий, ҳарбий-техникавий соҳалардаги алоқалар қаторида гуманитар ҳамкорлик ҳам муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Зеро, шу орқали ўзаро ишонч мустаҳкамланади ва ҳамкорликнинг янги уфқларини очиш имконияти пайдо бўлади.

Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтарди. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларни қамраб олган. Сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳарбий-техникавий алоқалар ҳар томонлама ривожланмоқда.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари гуманитар соҳага оид қўшма дастурлар орқали мавжуд алоқалар кўламини янада ошириш тарафдоридирлар. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида иш бошлаган М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиали иттифоқчилик муносабатларининг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Ушбу даргоҳда Россиянинг таниқли олимлари талабаларга амалий математика ва информатика ҳамда психология йўналишлари бўйича дарс бермоқда.

Албатта, мазкур филиалнинг очилиши борасида мамлакатларимиз Президентларининг келишуви муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга, бу келишувни амалиётга татбиқ этишда Ўзбекистон ва Россиядаги кўплаб масъул шахслар ҳам жонбозлик кўрсатаётганини таъкидлаш жоиз. Президент Ислом Каримов мамлакатларимизнинг гуманитар соҳадаги алоқаларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Россия Федерацияси Президентининг ёрдамчиси Жаҳон Поллиевага "Дўстлик" орденини, Москва давлат университети ректори Виктор Садовничийга "Фидокорона хизматлари учун" орденини топширди.

Ж.Поллиева ва В.Садовничий юксак эътибор ва самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида илмий, маданий ва гуманитар соҳалардаги алоқалар изчиллигини таъминлашга оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзолигига тикланиши ҳақидаги Баённомани (Сочи, 2006 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 21 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 1 декабрда маъқулланган

Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзолигига тикланиши ҳақидаги Баённома (Сочи, 2006 йил 16 август) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 12 декабрь
№ ЎРҚ — 66

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОЙИШИ

## «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

*Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, жамиятда эзгулик, меҳр-мурувват ва ҳамжиҳатлик, тинчлик ва осойишталик муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасида 2007 йил — "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилингани муносабати билан:*

1."Ижтимоий ҳимоя йили" давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

2. Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) икки ҳафта муддатда "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат Дастури Концепциясини тайёрласин, унда Дастурнинг аниқ бўлимларини, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасидаги йўналишлар ва соҳаларни белгиласин.

Бунда қуйидаги масалалар билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилсин:

— ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган ҳолда ёндошувни кучайтириш мақсадида ҳуқуқий норма ва қоидаларни белгилаб берувчи янги қонун ҳужжатлари рўйхатини ишлаб чиқиш;

— амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидагиларни назарда тутган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш:

а) аҳоли ночор қатламларининг турли тоифаларига, биринчи галда ёлғиз кекса фуқаролар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган балоғатга етмаган болаларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам нормалари ва ставкаларини мақбуллаштириш;

б) кексалар ва ногиронлар уйларини, болалар уйларини ҳамда касалликларга чалинган болалар учун интернатларни, уруш ва меҳнат фахрийлари учун даволаш муассасаларини таъминлашга сарфланадиган норматив моддий харажатлар миқдорини мақбуллаштириш;

в) 2 ёшгача болалари бўлган оналарга, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга маҳалла қўмиталари томонидан кўрсатиладиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар миқдорларини қайта кўриб чиқиш;

— «Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисиз қолган болаларга эътиборни янада кучайтириш, «Сен ёлғиз эмассан» инсонпарварлик шиорини ҳаётга амалий жорий этилишини таъминлаш;

— аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш, ночор оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ ва самарали ижтимоий ёрдам кўрсатишни ошириш, уларнинг эҳтиёжларини янада тўлиқ қондирилишини таъминлаш, уларга моддий ёрдам ва маънавий мадад кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда маҳалланинг ролини кучайтириш;

— жисмоний соғлом, маънавий бой авлодни шакллантириш чора-тадбирларини янада кенгайтириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, «Соғлом она — соғлом бола» ҳаракатини ривожлантириш. Бунда нафақат моддий ёрдам билан боғлиқ, балки мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари ёшлари ўртасида тушунтириш ишлари, турли факультатив машғулотларни олиб бориш билан боғлиқ бўлган аниқ йўналишлар белгилаб олинсин;

— «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйларининг ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш;

— ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг қобилияти ва салоҳиятини юзага чиқариш учун шароит яратиш, ёш оилалар мустақил ҳаётга қадам қўйишида уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш йўли билан қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли кредитлар бериш;

— ҳурматли фахрийлар ва пенсионерларнинг соғлом ва сермазмун ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёрдамга муҳтож одамларга беғараз ёрдам кўрсатиш, жамоатчилик томонидан уларнинг кенг кўламда эътироф этилиши ва қўллаб-қувватланишини таъминлаш.

3. Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, нодавлат жамоат ташкилотлари билан биргаликда Концепция асосида 2007 йилнинг 20 январигача «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритсин.

4. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 12 декабрь.

## РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

*Мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Президентининг ёрдамчиси Жаҳон Поллиева раҳбарлигидаги делегация 12 декабрь куни қатор вазирлик ва идораларда бўлди.*

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.Қосимов билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасида барча жабҳаларда бўлгани сингари, фан ва таълим соҳасида ҳам алоқалар изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Ўзаро алоқалар 2005 йил ноябрь ойида икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида мустаҳкамланиб бораётир.

Томонлар таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашди, келгусида бу йўналишдаги алоқаларни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида Тошкентда М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг филиали очилган эди. Ҳозир ушбу таълим даргоҳида амалий математика ва информатика ҳамда психология йўналишлари бўйича машғулотлар олиб борилмоқда.

Меҳмонлар ушбу таълим даргоҳи профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан ҳам учрашдилар. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган таълим соҳасидаги қонун ва дастурлар юксак самара бераётгани таъкидланди.

— Ўзбекистон Россиянинг ишончли ҳамкорларидан, — деди Ж.Поллиева. — Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар йилдан-йил кенгайиб бормоқда. Айниқса, малакали кадрлар тайёрлашга, таълим соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган ҳамкорликдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Фанлар академиясида ҳам музокаралар ўтказди.

**(ЎзА).**

**Фаол муаллифимиз, МДУ докторанти М.Саидов делегация аъзоси, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби, МДУ ректори, академик В.Садовничий билан мулоқотда бўлди. Ҳурматли меҳмон газетамизга ушбу дастхат орқали ўз истагини билдирди:**

***«Народное слово» ва «Халқ сўзи» газеталари муштарийларига энг яхши тилаклар билдираман.***

**МДУ ректори, академик В. САДОВНИЧИЙ.**

12.XII.06.




## Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир

*Эзгулик, одамларнинг корига яраш ва ўз Ватанига бўлган чексиз муҳаббат туйғулари ила яшайдиган инсон ҳар бир юртнинг кўрки, ғururидир. Барчамиз биламиз, бу дунёда ўзидан орттириб бошқага беғараз, беминнат кўмаклашиш, хайрли ишлар қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Тасаннолар бўлсинким, муқаддас диёримизда ана шундай саховатли, азалий қадриятларимизни улуғлайдиган ватандошларимиз тобора кўпайиб бормоқда.*

# «Қувончимни изоҳлашга сўз ожиз...»

Мирзо Улуғбек туманидаги «Ҳумоюн» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Зикрилла Эрматов ҳақида гап очилса, уни таниган-билган, эшитганларнинг юзида қувонч пайдо бўлади. Ўз ишига фидойи, камтарин, одамларга кўмаклашишдек эзгу ишларни ҳаётининг мазмуни деб билган бу олижаноб инсоннинг тўққиз йилдан зиёд вақт мобайнида ўз маҳалласида амалга ошираётган савоб ишлари тилдан-тилга ўтиб достон бўлиб бораяпти. Ушбу маҳаллада бўлган ҳар бир киши Зикрилла ака ўз ҳисобидан ўн миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлаб эккан мингдан ортиқ туп кўчатларни кўрганда, ҳудудни обод қилган бу инсонга «Баракалла, савобнинг остида қолибди» дейиши тайин.

Дарҳақиқат, маҳалла марказидаги икки гўзал фаввора, ҳудудда яшовчиларнинг мароқли дам олишлари учун барпо этилган хиёбон, болалар учун қурилган бассейнлар ҳам «Ҳумоюн»ни жаннатмакон жойга айлантирди.

— Юртбошимизнинг «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб

(Давоми 2-бетда).


Диққат, обуна мавсумининг якунланишига жуда оз фурсат қолди



Шу ҳафтадан кечикманг!

«Халқ сўзи» — шу номнинг ўзиёқ обуна масаласида қандай қарорга келишингиз кераклигини айтиб турибди.

*Агар обунани расмийлаштиришни келгуси ҳафтага қолдирсангиз, газетани 1 январдан эмас, 1 февралдан оласиз.*

2007 йилда қуйидаги мавзуларни фақат «Халқ сўзи»да ўқийсиз:

- **Парламент қабул қилган қонунлар**
- **Вазирлар, тармоқ раҳбарлари билан бевосита мулоқотлар**
- **«Журналист суриштируви» рукни остида ижтимоий адолатни кўзловчи мақолалар**
- **Ойида икки марта: «Гурунг» дам олиш саҳифаси.**

**Ёзилганлар дармонда, Кечикканлар армонда**

Нашр индексимиз — 229

## Долзарб мавзу

*Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети сенаторлар томонидан қабул қилинган эди. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йилдаги кутилаётган ижроси ҳамда мамлакатимизнинг 2007 йилги Давлат бюджети параметрлари хусусида парламент юқори палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр ИМИНОВ билан суҳбатлашдик.*

# Давлат бюджети: ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР КАФОЛАТИ

**— Бахтиёр Мирзажонович, мамлакатимизнинг 2007 йилги Давлат бюджети параметрларини белгилашда нималарга асосланилган?**

— 2007 йилги Давлат бюджети Ўзбекистон Республикасининг "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, унга солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиётни ва унинг алоҳида соҳаларини макроиқтисодий ва молиявий мувофиқлаштириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини ошириш масалалари асос қилиб олинган. Жумладан, келгуси йилда жорий йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 107,7 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 107,2 фоизга, қишлоқ хўжалигидаги ялпи маҳсулот ҳажми 105,0 фоизга, капитал қўйилмалар 108,1 фоизга ўсиши кўзда тутилмоқда.

2007 йилги Давлат бюджетининг даромадлар қисмини шакллантиришда мамлакатимиз иқтисодиётида солиқ юкини камайтириш тенденциясининг сақланганлиги ҳамда солиқ солиш тизимини янада соддалаштириш ва бирхиллаштириш бўйича ислоҳотлар чуқурлаштирилганлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳаммамизга маълумки, корхоналарда инвестицияларни жалб қилиш, ишчи-ходимларни ойлик маошларини ошириш ва айланма маблағларни тўлдиришнинг асосий манбаларидан бири бу уларнинг даромадидир. Ўтган йиллардаги ижобий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда кейинги йилда юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкасини 12 фоиздан 10 фоизга, кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкасини 13 фоиздан 10 фоизга пасайтириш таклиф қилинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ягона ижтимоий тўлов ставкасини 25 фоиздан 24 фоизгача камайтириш тадбири билан биргаликда ҳеч шубҳасиз, корхона, ташкилот ва тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ўзининг салмоқли ижобий таъсирини кўрсатади. Шунингдек, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ўрта ставкасини 2 фоизга, юқори ставкасини 4 фоизга камайтирилиши ҳисобига аҳоли даромадлари 50,0 млрд. сўм атрофида ортади. Бу республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талабнинг кучайиши ва жамғармаларнинг ортиши орқали иқтисодий ўсишни қўшимча рағбатлантиради.

**— Солиқ ставкаларининг пасайтирилиши Давлат бюджети харажатлари миқдорининг қисқартирилишига сабаб бўлмайдими?**

— Йўқ. 2007 йилда айрим солиқ ставкаларининг камайтирилишига қарамай, Давлат бюджети харажатлари миқдори қисқартирилмаган. Чунки охирги йилларда олиб борилаётган солиқ юкини камайтириш ва оптималлаштириш сиёсати иқтисодиётнинг барча тармоқларида иқтисодий ўсиш ҳамда иш ҳақини ошириш учун қулай имкониятлар яратмоқда. Хусусан, 2007 йилда ҳам кўзда тутилаётган инфляция даражасини (5-7 фоиз) ҳисобга олганда, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, барча турдаги пенсиялар ва стипендиялар миқдорларининг реал ўсиши ўртача 1,25 маротабадан юқорироқ миқдорда таъминлаш режалаштирилмоқда.

**— Кириб келаётган йил Президентимиз томонидан Ижтимоий ҳимоя йили, деб эълон қилинди. 2007 йилги Давлат бюджетидан бу йўналиш бўйича, яъни аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича қанча маблағ ажратилиши мўлжалланмоқда? Умуман, келгуси йилги Давлат бюджетида ижтимоий соҳа тадбирларини молиялаштириш масаласи қандай таъминланган?**

— Маълумки, ҳар йили давлатимизнинг бош молиявий ҳужжатида ижтимоий соҳага алоҳида эътибор қаратилади. Келгуси йил Давлат бюджетидан ҳам ижтимоий соҳа тадбирларини молиялаштиришга 2 трлн. 881,7 млрд. сўм, 2006 йилдагига нисбатан қарийб 30,7 фоизга кўп маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда. Бу эса келгуси йил учун кўзда тутилаётган Давлат бюджети харажатларининг 54,1 фоизи демакдир.

Бундан ташқари, 2007 йил бюджет сиёсати асосий йўналишларида умумтаълим муассасаларида бюджет маблағларининг самарали сарфланиши ва мақсадли ишлатилишини таъминлаш, молиявий маблағларни бошқаришда мактаб директорларининг ролини ва масъулиятини ошириш мақсадида халқ таълими бўлимларидаги бухгалтерия хизматини тубдан ислоҳ қилиш мўлжалланмоқда. Шу билан бирга, халқ таълимини бошқариш тизимида инспекторлик кузатуви ва ўқув-услубий ишлар хизматини сифат жиҳатдан яхшилаш режалаштирилмоқда.

2007 йил Давлат бюджетида таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш борасидаги ислоҳотларни давом эттирган ҳолда, келгуси йилда республикадаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг раҳбар ва педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизимини жорий этилиши орқали уларнинг иш ҳақларини йиллик индексацияни ҳисобга олмаганда ўртача 1,2 маротабага ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш мақсадида ушбу соҳа харажатлари жорий йилга нисбатан 138,8 млрд. сўмга оширилмоқда. Ажратилган маблағларнинг салмоқли қисми соғлиқни сақлаш муассасаларини капитал таъмирлашга, уларни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлашга ҳамда ходимларнинг малакасини оширишга йўналтирилади.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, айниқса, якка-ёлғиз кексаларни моддий тарафдан қўллаб-қувватлаш, ногиронларни зарур ортопедик ва протез буюмлари билан таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоя муассасалари харажатларини тўлиқ қоплаш мақсадида 2007 йил Давлат бюджетида 20,7 млрд. сўм ёки жорий йилдагига нисбатан 3,7 млрд. сўм кўпроқ маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирлари жумласидан, аҳоли учун иссиқлик таъминоти хизмати тарифининг ўсишини ушлаб туриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 сентябрдаги "Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг амал қилиш муддатини узайтириб, аҳолига кўрсатилаётган марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти хизматлар тарифидаги фарқни бюджетдан қоплаб беришни 2007 йилда ҳам сақлаб қолиш таклиф қилинмоқда.

**— Шу ўринда Давлат бюджетининг 2006 йилдаги кутилаётган ижроси юзасидан ҳам ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдирсангиз.**

— Ўтаётган йилда ҳам Президентимиз белгилаб берган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кенгайтиришнинг устувор йўналишлари парламентимиз томонидан қабул қилинган қонунлар, Президентимиз Фармонлари ва Ҳукумат қарорлар орқали ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, жорий йилда Давлат бюджетида юридик шахслар даромади солиқ ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга, юридик шахслар томонидан тўланадиган дивидендлар бўйича солиқ ставкасини 15 фоиздан 10 фоизга пасайтирилиши корхоналар ихтиёрида қолдирилаётган маблағлар нафақат уларнинг иқтисодий аҳволини яхшиланишига, балки солиққа тортиладиган базанинг ўсиши эвазига тўғри солиқлар бўйича тасдиқланган кўрсаткичларнинг 14,8 млрд. сўмга кўп бўлишига олиб келаётир. Эгри солиқлар бўйича тушумлар режаси ҳам тасдиқланган режага нисбатан 49 млрд. сўмга ошириб бажарилиши мўлжалланмоқда. Умуман олганда, 2006 йилда Давлат бюджети даромадлари бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларини ҳисобга олмаганда 4 трлн. 383 млрд. сўм ёки тасдиқланган параметрларга нисбатан 341 млрд. сўмга кўпроқ бўлиши режалаштирилмоқда. Давлат бюджетининг ўтаётган йилдаги харажатлар қисмининг ижроси эса, бюджетдан ташқари жамғармаларсиз 4 трлн. 355 млрд. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

**"Халқ сўзи" мухбири Зиёда АШУРОВА суҳбатлашди.**

### Инсон манфаатлари — асосий мезон




2006 йилда

**Давлат бюджетининг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари улуши**




2007 йилда

# «Қувончимни изоҳлашга сўз ожиз...»



(Давоми. Боши 1-бетда).

ишни ҳар кун қилиш керак» деган сўзлари қалбимда муҳрланиб қолган, — дейди Зикрилла Эрматов. — 7 декабрь куни «Туркистон» саройида Президентимизнинг эзгу ишлар қилаётган, саховатли инсонларга ўзининг номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этгани мени жуда-жуда тўлқинлантириб юборди. Қувончимни изоҳлашга сўз ожиз. Ҳақиқатан ҳам, бу азиз юртда савоб иш қилган ҳеч қачон кам бўлмайди. Улар доим ҳурмат ва иззатда бўлади. Айниқса, ҳукуматимиз бир гуруҳ ажойиб инсонлар қаторида мени ҳам Ҳаж сафарига давлат ҳисобидан жўнатишларини эшитиб, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим, кўзларимда ёш қалқиди. Ахир Ҳажга бориш ҳар бир мусулмон учун фарз саналади. Ҳозир ўзим қатори бутун маҳалла аҳли, яқинларим бундай имконият учун давлатимиз раҳбарига дуолар ўқишаяпти. Шу савоб ишни қилишга кўмаклашаётган ҳукуматимизни қанчалик алқасак оз. «Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшилик» деганлари шу-да. Айтингчи, қайси юртда оддий инсонга ана шундай эътибор, шундай чуқур ҳурмат кўрсатилади?.. Қайси давлат етакчиси шунчалик ҳар бир фуқаросининг юрагидагини топа олади?.. Аслида, халқ дарди билан яшаш, Ватан равнақи учун жон куйдиришни биз Юртбошимиздан ўрганишимиз лозим. Шу инсоннинг биз учун куйиб-пишишлари бизга доим ўрнак бўлиб келган.

Албатта, бундай эътиборни, аввало, менга доим елкадош бўлган ҳамюртларимга, маҳалладошларимга, яқинларимга, оиламга бўлган эҳтиром деб биламан. Бундай юксак ҳурмат эса, барчамизни янги эзгу ишларга чорлайди.

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# Долзарб масалалар муҳокамаси

***Қуйи палатада БМТнинг Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенцияси бўйича миллий қонунчиликни такомиллаштириш мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳамда БМТ Тараққиёт дастури «Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институционал салоҳиятини такомиллаштириш» лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда қуйи палата депутатлари, Олий суд, Бош прокуратура, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, Адвокатлар уюшмаси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон миллий марказининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Қийноқни қўллаш бутун дунёда оммавий тарзда қораланади. Хусусан, 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганидан сўнг қийноқни қўллаш кўплаб қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан тақиқланган.

Анжуманда Конвенция ижроси ҳамда унинг нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш, инсон ҳуқуқлари, эркинликларини камситувчи жазолаш турларига қарши кураш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, тадбирда Конвенция қоидалари ва талаблари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалий фаолиятида қўлланилиши, миллий қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги парламент мониторинги, унга асосан қонунийликни таъминлаш масалалари юзасидан маърузалар тингланди. Бу борада амалий таклифлар билдирилди.

**Солим ДОНИЁРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

## Журналист суриштируви

**Бу хат атиги бир неча сатрдан иборат эди, аммо "Мол аччиғи — жон аччиғи" деганларидек, алам устида ёзилганди. Марҳамат, ўқиб кўринг:**

***"Мен шу йил кўкламда туманимиздаги "Озода" ва "Қалдирғоч" номли болалар боғчаларини капитал таъмирлаш юзасидан халқ таълими бўлими билан иккита шартнома имзоладим. Қисқа фурсат ичида зиммамдаги мажбуриятларимнинг ярмини бажардим. Бироқ туман халқ таълими бўлими ҳозиргача ҳақимни бермаяпти. Бизни икки-уч ойлаб ишлатиб, энди "Пул йўқ, бир чақаям тўлолмайман" деяпти. Вилоят халқ таълими бошқармасидагилар эса, бизга ёрдамлашиш нарида турсин, лоақал арзимизни бафуржа тинглашни ҳам ўзларига эп кўришмаяпти.***

***Начора, охирги умидимиз сизлардан...***

**Бахтиёр РИСБОЕВ,**
**Жиззах туманидаги "Меҳригиё" хусусий фирмаси раҳбари".**

# КИМДА КИМНИНГ ҚАРЗИ БОР?

### ёхуд эзгу ниятда бошланган иш не сабаб завол топгани хусусида

Ажаб, бу қанақаси? Ахир, шартнома лафз дегани-ку! Унга вафо қилиш марднинг иши-ку! Наҳотки, эл корига яраган одамнинг пулини тўламаса? Ёки икки ўртада тадбиркор биздан сир тутган бирон-бир бошқа гап бормикин?

Ушбу саволларга аниқ жавоб топиш ва масалага ойдинлик киритиш учун можарони жойида ўрганишга аҳд қилдик.

Яширишнинг ҳожати йўқ, вилоят халқ таълими бошқармаси қурилиш бўлими бошлиғи Холмирза Носиров, туман ХТБ мудири Дурбек Носиров, етакчи мутахассис Олимжон Назаров, услубчи Муҳаррам Маматова, пудратчи Бахтиёр Рисбоев ва субпудратчи Акбар Ўролов иштирокидаги мулоқотимиз анча мунозарали кечди. Табиийки, Бахтиёр билан Акбар мудирдан ўзлари сарфлаган бинокорлик ашёлари пулини ва меҳнатлари ҳақини талаб қилишди. Тайинли жавоб олишолмагач, Холмирза Носировга юзланишди. "Бизни бу ишга даъват этган, боғчаларни капитал таъмирлашга доир ишчи лойиҳаларни тасдиқлаб, туман халқ таълими бўлими билан битим тузишга ундаган аслида сиз бўласиз. Энди калаванинг учини топишда ёрдамлашинг-да", дейишди. Холмирза Носиров эса айб вилоят молия бошқармасидагиларда эканлигини, улар пул бермаётганини эслатиб, масъулиятни бўйнидан соқит қилишга уринди.

Фақатгина шу эмас, Дурбек Носиров шикоятчи келмасидан олдинроқ бошланган суҳбатимиз чоғи шартномаларнинг шикоят-аризага илова қилинган ксеронусхаларини қалбакига йўйди. "Улардаги ёзувларни Бахтиёр Рисбоев биз билан келишмаган ҳолда бирёқлама киритган. Ҳатто, биттасини мен муҳр босиб ва қўл қўйиб тасдиқламаганман", деган фикрни олға сурди. Сўнгра сўзининг исботи сифатида бизга шартномаларнинг халқ таълими бўлимида сақланаётган нусхаларини кўрсатди. Бу билан билиб-билмаган ҳолда ўз сирини ўзи очиб қўйди. Негаки, ХТБдаги "Қалдирғоч" болалар боғчасини таъмирлашга оид ҳужжатда унинг расмийлаштирилган ойи ва куни, шартноманинг мақсад-мавзуси, муддати ва амалга ошириладиган ишлар қиймати кўрсатилмаганди. "Озода"га боғлиқ шартномада, юқоридаги камчиликлардан ташқари, буюртмачининг банк реквизити, юридик манзили, имзоси ва муҳри йўқ эди. Бахтиёр Рисбоевнинг қўлидаги қоғозларда эса ҳаммаси рисоладагидек. Дастлабкисига 2006 йил 7 март, кейингисига 16 май санаси қўйилганди. Барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни қўшиб ҳисоблаганда, "Қалдирғоч" томини 16 миллион сўмга, "Озода"никини 17 миллион сўмга созлаш белгиланганди.

Вилоят молия бошқармасининг мактаб таълими жамғармаси бошлиғи Абдумалик Суяров билан гурунгимиз асноси Холмирза Носировнинг гаплари ёлғонлиги ошкор бўлди. "Қалдирғоч" ва "Озода"нинг томларини янгилаш халқ таълими бошқармасига қарашли мактабгача таълим муассасаларини 2006 йилда капитал таъмирлаш манзилли рўйхатига киритилмагани, бинобарин, уларга маблағ ажратиш кўзда тутилмагани юзага қалқиб чиқди. Қурилишлар мутасаддиси Холмирза Носиров буни била туриб Бахтиёр Рисбоевни чалғитган, Дурбек Носиров эса "Меҳригиё" билан шартномалар тузган экан.

Биз, бўлар иш бўлиб, бўёғи синибди, ҳойнаҳой, энди мудир хатосини тан олиб, юзага келган низони келгусида ижобий ҳал этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирса керак, деб ўйлагандик. Афсус, янглишган эканмиз. У ўзини бамайлихотир тутди. "Боғчаларга ишлатган материалларингиз арзимаган пул туради. Хоҳласангиз, уларни бузиб олиб кетинг, хоҳласангиз, бизни судга беринг", деб қўя қолди.

Бу муомалани кўриб, хаёлимиздан "Боғчалардаги аҳвол бинойидеккина бўлса керакки, мудир дангал гапираяпти" деган ўй кечди. Лекин ҳақиқий аҳвол билан танишаётиб, бутунлай бошқача манзарага дуч келдик. Масалан, олий тоифали педагог Манзура Худойбердиева мудиралик қилаётган "Озода" болалар боғчасини олайлик. У 1968 йили қад ростлаган. Томи мум ва қора қоғоз билан ёпилган. Ҳозирга келиб таъмирталаб бўлиб қолган. Ёғин-сочинли мавсумларда чакка ўтаверганидан шифтлари ва деворлари доғ бўлиб кетган.

Гандумтош маҳалласидаги Муҳаббат Мустафоева бошлиқ "Қалдирғоч"нинг аҳволи "Озода"никидан дуруст эмас. У бундан 21 йил муқаддам замонасига мос қилиб тикланган. Бугунги шакл-шамойили ҳаминқадар. Афтодаҳол бино ва хоналар ранг-рафторини айтмай қўя қолайлик, биргина ҳовлига эътибор қаратайлик. Йўлаклар бетони кўчиб, чим босган саҳни уйдим-чуқур бўлиб кетган.

Энди асл муддаога қайтайлик. "Меҳригиё"чилар ушбу муассасаларни эпақага келтиришга ҳисса қўшишга аҳд қилишган. Дебочасига иккала иншоотнинг тўртта томига чордоқсимон шаклда тахта қоқиб чиқишган. Бундан ташқари, "Қалдирғоч" биноларига бешта эшик, учта бўлмага темир қувурли иситиш мосламалари — регестрлар ўрнатишган. Қишда илимайдиган катта хоналарнинг ойнавандли қисмини ғиштин деворлар билан тўсишган.

Умуман олганда, "Қалдирғоч"да тўққиз кишидан иборат сантехник, ғишт терувчи ва дурадгорлар бригадаси ишлаган, "Озода"да Акбар Ўролов бошлиқ усталар меҳнат қилишган. Бахтиёрнинг ҳисоб-китобларига қараганда, қурувчилар жами 16 миллион сўмликдан ортиқ иш бажаришган. Аммо қарзни тўлаш фарзлигини унутган буюртмачи "2-шакл" ҳужжатларини қабул қилмаган. Бу лафзсизлик бошқаларга қимматга тушган. Улар бир мириям олишолмаган. Оқибатда, таъмирлаш ниҳоясига етказилмаган. Ҳали фойдаланилмаган бинокорлик ашёлари қайтариб олиб кетилган. Ўрта ичида Бахтиёр Рисбоевнинг боши қотган. Молига куйгани етмагандай, субпудратчи ва ёлланма ишчилар ҳақини ҳам тўлолмай жони ҳалак.

Давомини суриштирсангиз, ҳақини ололмаган фақат "Меҳригиё" раҳбари эмас. Ундан андак олдин хусусий тадбиркор Равшан Маҳкамов ҳам "Озода"нинг ўрта гуруҳ хонасини ва залини таъмирлашга бел боғлаган. Шу мақсадда муайян вақт ва куч ажратиб, умрини ўтаб бўлган эски полларни бошдан-оёқ кўпориб чиққан. Бироқ иншоотни таъмирлаш дастурий режага киритилмаганидан ва маблағ ажратилмаганидан огоҳ топгач, қўлини ювиб қўлтиғига урган. Ишни тақа-тақ тўхтатиб, ўлда-жўлда ташлаб кетган. Бахтиёр эса бир ўринда хато қилган. Таъмирлаш юмушларини, пудрат шартномасига илова қилинган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, бажарилажак ишлар умумий жорий қийматининг 15 фоизи миқдоридаги биринчи бўнак тўлови тушган кундан эътиборан бошлаши лозим бўлса-да, кутиб ўтирмаган. Буюртмачига ишониб барвақт ишга киришган. Унинг бу шошқалоқлигини қонуний жиҳатдан оқлаб бўлмайди. Инсонийлик нуқтаи назаридан қараганда эса, қоралаш ҳам ноўрин.

Модомики, шундай экан, ҳақли савол туғилади: хўш, Бахтиёр энди нима қилсин? Равшан Маҳкамовнинг йўлини тутсинми? Ёки Дурбек Носиров айтганидек, битай-битай деб турган, бор-йўғи шифер қоплаш қолган тайёр чордоқларни, усти сувалмаган деворларни, бўялмаган регестрларни бузиб, тахталарини, ғиштлари ва темир-терсакларини олиб кетсинми? Ана, борингки, шундай қилди ҳам дейлик. Бу ҳар иккала томон учун ҳам катта зарар эмасми? Ахир, ўзингиз ўйланг, ҳозир юртимизда қиш фасли. Аёз тобора забтига олаяпти. Аҳвол ўнгланмаса, иккала боғча болаларининг ҳоли не кечади? Улар одатдагидай шифтидан чакка томчилайдиган, деворидан совуқ ҳаво уфурадиган зах хоналарда тарбияланишадими?

Бунисини билмадик, аммо бир нарсани аниқ айта оламиз: "Озода" ҳам, "Қалдирғоч" ҳам аслида 90 ўринли бўлиб, аҳолиси бирмунча зич Алишер Навоий номидаги ва "Янгиҳаёт" агрохизмат марказлари ҳудудида жойлашган. Мазкур хўжаликларда бир ёшдан олти ёшгача бўлган болалар сони 702 нафар. Агар мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинса, уларнинг 37,1 фоизини боғчаларга жалб қилиш мумкин. Таассуфки, ҳозирча уларга қатнаётган ўғил-қизлар сони 140 тадан ошмаяпти — "Озода"да 85 нафар, "Қалдирғоч"да 55 нафар кичкинтой тарбияланаяпти.

Ана шундай бир вазиятда туман халқ таълими бўлими раҳбари пудратчини рози қилиш ва ишни давом эттиришга рағбатлантириши керак эмасми? Вилоят халқ таълими бошқармасидагилар-чи? Улар қаёққа қарашаяпти? Нуқул давлат бюджетидан сармоя ажратилмаганини баҳона қилавермай, бошқа манбалардан пул топиб, бурчини адо этган тадбиркорнинг ҳақини ундириб бериш, таъмирлаш ишларига ҳомийларни жалб қилиш йўлларини изласалар, бўлмайдими?

Албатта, бўлади! Фақат бунинг учун соҳа масъуллари замон талабини чуқур ҳис этишлари, ўтмишдан мерос қолган боқимандалик кайфиятидан воз кечиб, мавжуд муаммоларни, йўл қўйилган хато-камчиликларни аввало қуйидан туриб ҳал этиш чора-тадбирларини кўришлари керак. Зеро, Юртбошимиз Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида вилоятда тўпланиб қолган ижтимоий-маиший муаммолар маҳаллий раҳбарлар айби билан келиб чиққанини алоҳида таъкидлади. Сўнгра "Нега шу аҳволга қараб, қўл қовуштириб ўтириш керак? Қани, айтинглар, мана шундай муҳим масалаларни ҳал қилиш учун кимдир тепадан туриб албатта туртки бериши, ҳайфсанлар билдириши ва раҳбарларнинг қулоғидан тортиб туриши керакми? Вилоятда бундай иш услубининг табиий ҳолга айланиб қолганига чидаш мумкинми ўзи?" деган ҳақли савол ва эътирозларни ўртага ташлади.

Бизнингча, бу гап бошқаларга, жумладан, жиззахлик мутасаддиларга ҳам тааллуқли.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

## Ифтихор

**Хизмат сафари билан яқинда Москва шаҳрида бўлдим. Ўйлаб кўрсам, бу шаҳарга охирги марта келганимга ўн икки йил бўлибди. Албатта, Россиядай қудратли давлатнинг пойтахтида катта ўзгаришлар бўлган, буни сезиш қийин эмас. Аммо менинг эътиборимни кўпроқ бошқа нарсалар тортди.**

*Аввало, бу азим шаҳарнинг марказида буюк бобомиз Алишер Навоий ҳайкали қад ростлагани мени қувонтирди. Ҳайкал атрофини гўзал, шинам хиёбон ва майдон қуршаган. Москвалик ҳамкасбларимизнинг айтишича, бу жой илгари анча қаровсиз гўша бўлган экан. Ҳазрат Навоий "қадам ранжида қилишлари" билан бу майдон гўзал масканга айланибди. Хиёбондаги скамейкаларда асосан ёшлар ўтиришибди. Ҳайкалтарош Равшан Миртожиев ишлаган ҳайкалда Навоий бобомиз одамларни бир-бирига яхшилик қилишга даъват этиб турибди. Ушбу хиёбонга келувчиларнинг лоақал ўндан бири буюк маърифатпарвар бобомизнинг ўгитини қалбига жо айласа ва ўз ҳаётида шунга амал қилса ҳам мазкур ҳайкал муаллифи, Москва шаҳрида Алишер Навоий ҳайкалини ўрнатиш ғоясини берган, бу хайрли ишга ташаббускорлик қилган, ниҳоят, уни амалга оширган кишиларнинг меҳнати бесамар кетмаган бўлади. Зеро, ҳар қандай бадиий асар, у адабиёт ёхуд санъат намунаси бўлишидан қатъи назар, ўқувчини, томошабин ва тингловчини эзгуликка чорламоғи даркор. Унинг тарбиявий аҳамияти ҳам шунда.*

*Бошқа томондан қараганда, ҳар куни ўнлаб одамлар беш аср илгари ўзбекнинг Алишер Навоий деган улуғ шоири бўлганлигини билиб олади, бугун унинг шарафига ўрнатилган ёдгорлик Европанинг энг улкан шаҳарларидан бирини безаб турганига гувоҳ бўлади. Бинобарин, тарихда ўтган ҳар қандай шахсга ҳам ўзга мамлакатларда ҳайкал ўрнатилавермайди...*

*Москва кўчаларини кезар эканман, яна бир ҳолатга эътибор қаратдим. Россиянинг пойтахтида мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган машиналар жуда кам, айрим кўчаларида умуман кўринмайди. Аксарияти хорижий мамлакатларнинг автомобиллари. Менинг қалбимни ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлдирган нарса шу бўлдики, дунёнинг энг ривожланган давлатларининг оламга машҳур компанияларида ишлаб чиқарилган машиналар қаторида ўзимизнинг "Ласетти", "Нексия", "Матиз"лар тез-тез кўзга ташланади. Бизни Москвага таклиф қилган РИА "Новости" ахборот агентлигининг автопаркида ҳам анчагина "Нексия" автомобили бор экан.*

*Буни кўриб фахрланмай, ғурурланмай бўладими?! Бир пайтлар Россиянинг "Жигули", ҳатто оддийгина "Москвич" ("Волга"ни айтмай қўя қолайлик) машиналарини сотиб олиш учун одамларимиз йиллаб навбатда турарди. "Жигули"си бор одамга бошқалар ҳавас билан қарашарди. Бугун эса Россия пойтахти – Москвадай улкан шаҳар кўчаларидаги автомобиллар оқимида ўзбекнинг машиналари салмоқли ўрин эгаллаб турибди.*

*Энди айтинг, истиқлолга эришмасак, мустақил давлат сифатида дунёга танилмасак, шундай воқеалар бўлиши мумкинмиди? Неча йил собиқ иттифоқ таркибида бўлдик. СССР халқлари тенг ҳуқуқли, деб ёзиларди, айтиларди. Амалда-чи? Тошкентда кимларга ҳайкал ўрнатилмади ўша йиллари. Аммо Навоийга қаерда ҳайкал қўйилди? Бугун эса Россия ва Японияда Навоий бобомизнинг салобатли ҳайкаллари қад ростлаб турибди. Латвияда Мирзо Улуғбек ва Ибн Сино, Хитойда Камолиддин Беҳзод, Бельгияда Ибн Сино ҳайкали салобат тўкиб тургани қувонарлидир.*

*Бундан йигирма йил олдин ўзбек машина ишлаб чиқаради, унинг машиналари дунёнинг ўнлаб мамлакати кўчаларида номи оламга машҳур автомобиллар билан ёнма-ён кезиб юради, деб ким ўйлаган эди? Қайси давлат мустақилликка эришганидан сўнг орадан атиги беш йил ўтиб ўз машинасини чиқарган? Ўзбекистон!*

*"Нексия" машинасида Москва кўчаларини айланар эканмиз, хаёлимдан ана шу фикрлар кечди...*

# ФИКР ВА ШУКУР

### СИЗЛАРДА ҚАНЧА МИЛЛИОНЕР БОР?

Москвалик ҳамкасбларимиз билан турли мавзуларда кўп суҳбатлашдик. Журналист зоти қизиқувчан бўлади, унча-мунча одамлар эътибор қилмайдиган нарсаларни ҳам билгиси келади. Ана шундай қизиқувчан журналистлардан бири сўраб қолди:

— Сизларда, яъни Ўзбекистонда қанча миллионеру қанча миллиардер бор? Аниқ айта оласизми?

— Йўқ, аниқ айта олмайман, — дедим мен. — Балки Ўзбекистондаги миллионеру миллиардерларнинг сони Россиядагидан кўпдир ёки камдир, гап бунда эмас. Бу ҳар бир халқнинг, аниқроғи, миллатнинг феъл-атвори, бугунги тилда айтганда, менталитети билан боғлиқ. Сизларда сал ўзига тўқ одам молу мулки қанчалигини, кимга ёки қайси ташкилотга қанча миқдорда ёрдам қилганини (агар шундай қилса) бемалол айтаверади, матбуотда ҳам эълон қилаверади. Бундан хижолат тортмайди, уялмайди. Бу сизлар учун одатий ҳол. Бошқача айтганда, мақтанчоқлик саналмайди. Бизда эса бошқачароқ: ўзига тўқ одам,аввало, молу давлати билан мақтанмайди, чунки бу одобсизлик ҳисобланади. Ўзидан, оиласидан ортганини етим-есирларга, ёлғиз кексаларга беради, мактаб, шифохона, кўприк, йўл қурилишига сарфлайди, қабристонларни обод қилишга ажратади. Аммо бу ҳақда матбуотда ёзиш у ёқда турсин, бировга гапирмайди ҳам (Бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман: бу ишни бировдан қўрққанидан қилмайди). Чунки қилинган савоб иш кўз-кўзланса миннатга айланади. Бинобарин, Шарқ халқларида, жумладан, ўзбекларда ҳам ўнг қўлинг қилган савобни чап қўлинг билмасин, деган нақл бор.

Бу йил мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинганини, шу муносабат билан ҳомийлар маблағи ҳисобидан юзлаб ижтимоий объектлар, йўллару кўприклар бунёд этилганини айтиб бердим. Ҳамсуҳбатим гўё мендан эртак эшитаётгандай ҳайратга тушди.

— Бундай саховатли, олижаноб инсонларни ҳар шаҳар, вилоят ва туманда кўплаб учратиш мумкин, — дедим. — Уларнинг аксарияти бошқалардан ажралиб турмайди, ўзини катта олмайди. Ҳамиша эл билан бирга, маҳалла-кўйи, ёру биродарларининг яхши-ёмон кунларида уларнинг ёнида бўлади. Бизда қанча миллионеру қанча миллиардер борлигини аниқ айтолмаслигим сабаби энди тушунарли бўлгандир?

— Тушундим... Жуда ажойиб, ҳавас қилса арзийди, — деди суҳбатдошим.

Мен фикримни давом эттирдим:

— Бизда шундай инсонлар борки, ҳажга бориш учун (ҳаж нима эканини ҳам тушунтирдим) йиғиб қўйган пулига кўприк солади, йўлни тузатади, боғ-роғ қилади. Шу орқали одамларнинг мушкулини осон қилишга ҳисса қўшади. Бизда савоб деган тушунча бор, унинг шакллари эса турлича...

Халқ Сўзи

**Ўз юртингнинг қадри ўзга юртда билинар**

### МАҲАЛЛА НИМА?

Суҳбат асносида маҳалла ҳақида гап кетди. Ҳамкасбим маҳалла нима эканини ҳеч тушунолмади. Тушунтириб беришга ҳаракат қилдим.

— Европа халқлари, шу жумладан, сизлар ҳам сал нарсага судга чопасизлар. Айтайлик, эру хотин айтишиб қолса, ўртада келишмовчилик пайдо бўлса, қўни-қўшни билан низо чиқса, судга мурожаат қиласиз. Бизнинг миллатимиз ундай эмас. Аввало, уйдаги гапни кўчага чиқармасликка ҳаракат қилади. Жуда иложи бўлмаса, маҳаллага боради. Бўлган-бўлмаган нарса учун судга бораверишдан ор қилади, элу халқдан уялади. Аслида маҳаллага чиқиш ҳам ўзини билган, оиласининг шаънини ўйлаган одам учун осон иш эмас, — дедим. — Бу билан маҳалла эру хотиннинг машмашаси билан шуғулланар экан-да, деб ўйлаш керак эмас. Бу маҳалла бажарадиган ишларнинг ўндан, эҳтимол, юздан биридир.

— Яна нима билан шуғулланади маҳалла?

— Маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, тинчлик-осойишталикни сақлаш, бева-бечора, етим-есир ҳолидан хабар олиш, одамларнинг тўй-маросимларини ташкил этиш, кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш каби ишларнинг бари маҳалла зиммасида. Юзага келган муаммоларни бартараф этишда маҳалла тегишли идоралар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Ҳар бир маҳалланинг идораси, омборхонаси бор. У ерда тўй ёки бошқа маросимларда ишлатиладиган идиш-товоқдан тортиб, стол-стулгача – ҳаммаси бадастир. Кимга керак бўлса, олиб ишлатади. Кейин ювиб, тозалаб келтириб беради. Энг муҳими, бунинг учун у пул тўламайди.

Қисқаси, маҳалла ғоят ноёб тизим, ўзига хос институт. Жуда кўп мамлакатлардан келиб ўрганиб кетишяпти. Яқинда россиялик бир гуруҳ сиёсатшунослар, журналистлар иштирокида Самарқандда ўтган давра суҳбатида ҳам маҳалланинг ўрни ва аҳамияти ҳақида гап борди. Ўша анжуманда иштирок этган россиялик таниқли сиёсатчи Глеб Павловский маҳалла фуқаролик жамиятининг муҳим шаклларидан бири бўлиб, бундай институт Россияда йўқлигини таъкидлаган эди. Чунки одамлар ўртасида аҳил-иноқлик, меҳр-оқибат барқарор бўлишида маҳалланинг роли беқиёс, унинг ўрнини ҳеч бир тизим боса олмайди.

Суҳбатдошим узоқ ўйга толди. Назаримда, менинг мамлакатимга, халқимга, маҳалламга унинг ҳаваси келаётган эди.

### ҒАЛАТИ МАНЗАРА

Биз Москвага МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари миллий оммавий ахборот воситаларининг биринчи форумида иштирок этиш учун борган эдик. Форум йиғилишларида турли мамлакатлардан келган ҳамкасбларимизнинг сўзларини тинглаб, очиғи, ҳайрон қолдик. Бири "бизда газ йўқ, электр энергияси йўқ" деб нолиса, бошқаси "қоғоз йўқ", дейди. Яна бири "Бизнинг мамлакатдаги русийзабон кишилар кўчиб кетмоқда", дейди. Демократман деб керилиб юрган мамлакатлардан бирининг вакили "Бизда ҳамма нарса сотилиб бўлди, давлат ихтиёрида қамоқхона ва шунга ўхшаган айрим иншоотлар қолди, холос", дейди. Энг кулгилиси, эҳтимол, ачинарлисидир, бир мамлакатдан келган икки ҳамкасб ўзаро баҳслашиб ўтирибди.

Уларни эшитиб, кузатиб турар эканман, ўйладим: ўз юртингдаги муаммоларни кўтариб келиб, ҳамманинг олдига дастурхон қилиб ёзганинг билан биров сенга ёрдам берармиди. Қанақа мустақил давлатсан, ахир? Демократия деб оғиз кўпиртириш ёки ҳар хил рангли инқилоблар кетидан югуриш ўрнига амалий иш қилмайсанми? Оқибатда ўзгалар олдида кўз ёши тўкиб ўтирибсан.

Юртимизда ички ва ташқи сиёсат нақадар тўғри йўлга қўйилганидан фахрланаман. Анжуман қатнашчиларининг сўзларини тинглаб яна бир бор шундай хулосага келдим: қаердаки ички ва ташқи сиёсат қатъий белгиланган бўлса, давлатнинг ўз тараққиёт йўли аниқ бўлса — ўша ерда тартиб бор, интизом бор. Тинчлик-тотувлик ва фаровонликнинг асосий омили эса тартиб ва интизом. Бошбошдоқлик ҳукм сурган жойда халқнинг фаровонлиги, тараққиёт ҳақида гапириш ортиқча...

Халқимизда бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил, деган нақл бор. Форум иштирокчиларидан аксариятининг сўзларини эшитиб, қайта-қайта шукур қилдим. Кимларнингдир гапларини эшитиб, фикр қиларман, тегишли хулосалар чиқарарман, нималарнидир ўрганарман, деб ўйлаган эдим. Ундай бўлмади: мени фикр қилишга ундовчи вакиллар ҳам, гаплар ҳам кам, жуда кам эди.

Аксинча, бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини эшитганлар фикр қилишга мажбур бўлди. Айримлари ҳаяжон, ҳайрат ва ҳавасини яшира олмади. Аслида мана шунинг учун ҳар қанча шукур қилсак арзийди...

**Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ.**

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН замонавий электрон газ ўлчагичлари.



Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача).

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал – Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«АНДИЖОН ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» ОАЖ

Андижон тумани, Бўтақора қишлоғида қурилиши режалаштирилган саноат энергия йўналишда 720 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилишига пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ўзбекэнерго» ДАКнинг «Андижон электр тармоқлари» ОАЖ маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Буюртмачи — «Андижон электр тармоқлари» ОАЖ (Андижон ш., А.Ҳайдаров к., 53-уй).

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишларни (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассислар мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: *Андижон шаҳри, Б. Хакимов кўчаси, 14 «А»-уй. Тел./факс: 224-72-79.*

*Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.*

*Таклифлар (оферталар)ни тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати танлов ҳужжатларида кўрсатилади.*

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

2006 йил 13 декабрь куни соат 11.00да РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ аукцион савдолари майдончасида ўтказиладиган аукцион савдосига чиқарилиши мўлжалланган қуйидаги объектларнинг савдоси суд ижрочилари Жиззах шаҳар бўлинмасининг 2006 йил 7 декабрдаги У-2944-сонли хатига асосан аризачи — ТИФ Миллий банкининг аризаси судда мазмунан кўриб чиқилгунига қадар вақтинча тўхтатилишини маълум қилади:

1. Жиззах шаҳридаги «Жиззах ЛРС Пласт» қўшма корхонасига қарашли, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уйда жойлашган, техник соз ҳолда бўлган, пластмасса трубалар ишлаб чиқарувчи, бир шнекли «КМЕ-1-90-30 В» русумли экструдер тармоғи (линия).
**Бошланғич баҳоси — 471 300 348 сўм.**
«Халқ сўзи» газетасининг 2006 йил 11 ноябрдаги 221 (4120)-сони.

2. Ишлаб чиқариш биноси.
**Бошланғич баҳоси — 119 921 555 сўм.**
«Халқ сўзи» газетасининг 2006 йил 17 ноябрдаги 225 (4124)-сони.

Қўшимча маълумотлар учун РКМБ Жиззах вилояти филиалига ёки суд ижрочилари Жиззах шаҳар бўлинмасига мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳкўчаси, 39-уй.
Телефонлар: (372) 222-35-77, 222-34-16, 222-36-19.

Лицензия: DB 001 №000004.

БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ



2007 ЙИЛ УЧУН ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИНИ МАЖБУРИЙ ДАВЛАТ ҚИЁСЛАШИДАН ЎТКАЗИШ УЧУН ШАРТНОМА-ЖАДВАЛЛАРНИ ТУЗАДИ.

ШАРТНОМА-ЖАДВАЛЛАРНИ ТУЗИШ МУДДАТИ — 2007 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛГАЧА.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 150-26-03, 150-26-02, ФАКС: 150-26-15.
E-mail: metrolog@sarkor.uz

*ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!*

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ

2007 йил 16 январь куни соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида очиқ аукцион савдоларини ўтказади.

**Очиқ аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

1. 2006 йил 11 майдаги 8175-сонли ижро ҳужжатига асосан: "Себзор" автомобиллар сақлаш майдончасида сақланаётган, давлат рақами 10У2288 бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган "МЕРСЕДЕС-БЕНЦ S320" русумли автотранспорт воситаси (техник соз, двигатель № 408604, кузов №WDB2200651A025886, қора рангли). ***Бошланғич баҳоси — 81 540 000 сўм.***

2. 11587-89, 11939-40, 11937-38, 12775-78 ва 14308-09-сонли ижро ҳужжатларига асосан: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ж.Обидова кўчаси, 160-уйда жойлашган "Ўзбекқишлоқмаш" ОАЖга тегишли бир қаватли бино (ҳажми 110 м. х 18,0 м.; омбор биноси). ***Бошланғич баҳоси — 81 176 985 сўм.***

3. 2006 йил 14 августдаги 10-0618/2018-сонли ижро ҳужжатларига асосан: Тошкент шаҳар, Мирobod тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 53-уйда жойлашган "УЧҚУН" МЧЖга тегишли 4 қаватли, умумий майдони 14789,0 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш биноси. ***Бошланғич баҳоси — 2 672 075 000 сўм.***

Қизиқиш билдирган харидорларга ушбу мулкларни Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлинмаси вакиллари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридаги закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг "Альянс" мини банкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Тел.: 138-69-94, 138-69-93.

## Спорт

*Агар спортчиларимиз Қатар пойтахти Дохада ўтаётган XV Осиё ўйинларини ана шу руҳда, шундай маром билан бошлаганларида эди бугун қўлга киритилган медаллар сони етмиштага яқинлашиб қоларди.*

15TH ASIAN GAMES DOHA 2006



# БИР КУНДА ОЛТИ МЕДАЛЬ

Ҳақиқатан ҳам, Осиё ўйинларининг ўн биринчи куни ўзбекистонлик спортчилар учун омадли келди. Байдарка ва каноэда эшкак эшиш, енгил атлетика, бокс бўйича қатнашган вакилларимиз терма жамоамиз захирасига олтин, кумуш ва бронза медаллари туҳфа этишди. Жумладан, байдарка ва каноэда эшкак эшиш баҳсларининг 1000 метрлик масофага бўлган финал беллашувида Вадим Меньков олтин медаль билан тақдирланди. Шу масофага бўлган мусобақанинг икки кишилик финал қисмида Герасим Кочнев ва Серик Мирбеков жуфтлиги кумуш медали совриндорлари бўлишди. 1000 метрлик масофага К—1 русумли қайиқда ўтказилган мусобақа финалида Алексей Бобожонов ҳам маррага иккинчи бўлиб етиб келди ва у ҳам кумуш медалига эгалик қиладиган бўлди. Гўзал Хуббиева 200 метр масофага югуриш беллашувида кумуш медалини қўлга киритди. Унинг дугонаси Анастасия Журавлева ҳам енгил атлетиканинг уч ҳатлаб узунликка сакраш баҳсларида кумуш медаль соҳиби бўлди. Ўша куни қўлга киритилган ягона бронза медали ярим финал баҳсларида ютқазиб қўйган боксчимиз Бекзод Хидировга насиб этди.



## Шахмат

Олтинчи тур учрашувларини шахматчиларимиз пешқадамликка асосий даъвогар жамоалардан саналган Ҳиндистон вакилларига қарши ўтказишди. Унда Рустам Қосимжонов Сасикиран Кришнага, Алексей Барсов Харикришна Пенталага, Ольга Собирова эса Хумпу Конеруга имкониятни бой берди. Шахматчиларимиз олтинчи турдан сўнг 9,5 очко жамғаришган.

## Трамполиндан сакраш

Анна Савкина ва Екатерина Хилько финал мусобақаларига йўлланма олишди.

## Теннис

Ушбу спорт тури бўйича ҳамюртларимиз медаллар учун курашни тўхтатишди. Куни кеча якунланган яккалик баҳсларида Денис Истомин жанубий кореялик Ли Хюнг Таикка, Ирода Тўлаганова эса хитойлик Ли Нага ютқазиб қўйди. Жуфтлик беллашувларида ҳам терма жамоамиз аъзолари имкониятни бой беришди. Шунингдек, юртдошларимиз ўқ отиш, қиличбозлик ва ушу мусобақаларида ҳам кутилган натижаларга эриша олмаяптилар.

## Ҳеч ким етолмасов

Хитойлик спортчилар аллақачон умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни нақд қилиб қўйишди. Энди Осиё ўйинларида қатнашаётган ҳеч бир мамлакат вакиллари медаллар сони бўйича уларга ета олмайди. Ҳозирча Хитой терма жамоаси ҳисобида 129 та олтин, 72 та кумуш, 52 та бронза медали бор. Жанубий Корея спортчилари 46 та олтин, 40 та кумуш, 73 та бронза медали билан иккинчи, Япония спортчилари эса 45 та олтин, 55 та кумуш ва 63 та бронза медали билан учинчи ўринни эгаллаб туришибди. Ўзбекистон терма жамоаси 6 та олтин, 9 та кумуш ва 11 та бронза медали билан ўнинчи ўринда бормоқда.



**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Суратлар муаллифи:
Анвар ИЛЬЁСОВ,
«Жаҳон» АА махсус мухбири.
Доха.

## Газета саҳифаланаётганда...

***XV Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчиларнинг қўлга киритган олтин медаллари сони яна иккитага кўпайди.***

***Ҳал қилувчи финал баҳсида боксчиларимиздан Баҳодир Султонов (57 кг.) монголиялик Энхзориг Зоригтбаатарни, Элшод Расулов (75 кг.) эса қозоғистонлик Афина Олимпиадаси ғолиби Бахтиёр Артбаевни мағлубиятга учратиб, Осиё ўйинлари олтин медалларини қўлга киритдилар. Дохада музаффар йигитларимиз шарафига яна байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Жасур Матчонов (91 кг.) эронлик Али Мазоҳирийга ютқазиб қўйиб, кумуш медали билан кифояланишга мажбур бўлди.***

## Муқояса

*Кўча-кўйда ўтиш даврининг қийинчиликларидан нолиб юрадиган айрим одамларга дуч келамиз. Уларнинг гап-сўзларига қулоқ тутсангиз, "Аввал яхши бўлгану, энди яшаш оғирлашиб кетди", деган хулоса келиб чиқади. Хўш, аслида ҳам шундайми? Кечанинг бугундан ёки, аксинча, бугуннинг кечадан қандай фарқи бор? Бугун шу хусусда мулоҳаза юритиб кўришга жазм этдик.*

# Бугуннинг қадри

### кечаги кун билан таққослаганда билинади

#### "Шоли курмаксиз бўлмайди"

Халқимизда "Деҳқон дала билан тирик", деган гап бор. Бу бежиз айтилмаган. Чунки деҳқон даласида кетмон чопар экан, у нафақат ўзи ёки оиласи, балки эл-юртнинг дастурхонини ҳам тўкин ва фаровон бўлишига ҳисса қўшади. Биз ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида турли касб эгалари билан суҳбат қурдик. Жумладан, деҳқонлар билан ҳам.

— Келинг, саволингизга жавобни кечаги кундан бошлай қолай. Чунки шундай қилсак кечаги ва бугунги куннинг ўртасидаги фарқ яққолроқ кўринади. Тишим далада чиққан десам ёлғон бўлмайди,— дейди Пайариқ туманилик деҳқон Гулмурод Бўрибоев. — Чунки биз ёш пайтимизда пахта одамдан азиз бўлган замонлар эди. Эрта баҳордан бошлаб, то қаҳратон қишгача даладан бери келмасдик. Ҳозир қорни қоқиб пахта терганмиз десам, невараларим ишонишмайди. Афсуски, бир замонлар деҳқоннинг бошидан оғир кунлар ўтган. Қор, лой кечиб пахта теришга, ҳаттоки, давлатга пахта топшириш режаси оқсаб қолган баъзи йилларда уйимиздаги кўрпа-тўшакка солинган увадани ҳам топширишга мажбур қилишган. Лекин қишу ёз тинимсиз далада меҳнат қилиб, на оёғимиздаги этигимиз ва на эгнимиздаги тўнимиз янги бўлган...

Бу кечаги куннинг манзаралари. Энди бугунга келсак...

Аввало, мустақиллик деҳқонга нима берди, деган саволга жавоб бериб кўрайлик. Менинг назаримда, истиқлол деҳқонга, энг аввало, эркин ишлаш ва ўз меҳнатидан манфаатдор бўлиш ҳуқуқини берди. Нега бундай деяпман? Чунки собиқ шўролар тузуми даврида ер хўжаликники, хўжалик эса давлатники ҳисобланарди. Шундай экан, деҳқон далада жон койитиб ишлайдими ёки шундай чориғини судраб бориб келаверадими, фарқи йўқ эди. Жумладан, кўпчиликнинг на ерга ва на техникага жони ачирди. Бугуннинг энг катта ютуғи бу, шубҳасиз, ернинг ўз эгаси, деҳқонга берилиши бўлди. Истиқлол туфайли деҳқон ўзини ернинг ҳақиқий хўжайини эканини ҳис қилди. Унда эгалик, мулкдорлик ҳисси уйғонди.

Бугун дўппини олиб қўйиб ҳисоб-китоб қилсангиз, ҳар икки фермернинг бирида "Нексия", "Матиз", ҳеч бўлмаса "Дамас" ёки бошқа бир автомобиль бор. Бундан ўн беш йил олдин деҳқоннинг янги машина олиши қизил қор ёғиши билан баравар эди. Қолаверса, куни кеча томини шифер билан ёпишга иқтисодий аҳволи йўл бермаган деҳқон бугун қўшқаватли уйлар солаяпти. Элга дастурхон ёзиб, данғиллама тўйлар қилаяпти. Чунки бугун унинг ўз ери, мулки, техникаси бор. Энг асосийси, етиштирган ҳосилига ўзи эга. У бугун қанча яхши ишласа, шунча кўпроқ даромад қилишига ишонади. Собиқ тузум даврида қишлоқнинг энг бойи дўкон мудирлари ҳисобланарди. Албатта, колхоз раиси, бошбух ва кассирдан кейин. Бугун эса деҳқонлар қишлоқнинг олди. Янгича айтганда, фермерлардир. Менинг назаримда, бу ҳолатни кўрмаслик ёки кўра туриб тан олмаслик кўрнамакликдан бошқа нарса эмас...

Энди нолийдиганларга келсак. Халқимиз "шоли курмаксиз бўлмайди", деб топиб айтган. Кеча колхозга раис ёки партком бўлиб халқнинг ҳақини туя қилган, давлатнинг мулкини ўзлаштирган, бир сўз билан айтганда, ишламасдан бойиб, текин даромад орттиришга ўрганиб қолганларгина кечаги кунни қўмсайди. Деҳқон етти букилиб салом беришини соғинади. Шукрки, у кунлар ўтиб кетди. Бугуннинг деҳқони бировга таъзим қилмайди. Чунки энди у мулкдор. Мулкдор бўлганда ҳам ўзлигини танийдиган, ҳақини бировга бериб қўймайдиган фермер.

#### Қишлоқ мактаби

Яқинда қишлоққа бордим. Ҳар галгидек, бу сафар ҳам ўқувчилик йилларимни соғиниб мактабимга йўл олдим. Биз ўқиган – 80-йиллардаги пастқам мактабдан номнишон қолмаган. Унинг ўрнида маҳобатли, кўрган кўзни қувнатадиган, ҳар томонлама замон талабларига жавоб берадиган қўшқаватли янги кошона қад ростлаган. Синф хоналари турли ўқув қўлланмалари, компьютерлар билан жиҳозланган. Бир сўз билан айтганда, ҳавас билан ўқийдиган мактаб. Шаҳарнинг мана-ман деган мактабларидан кам жойи йўқ.

Мактабни, синф хоналарни томоша қилдим. Кейин ўқитувчиларим билан суҳбатлашдим. Гурунг сўнгида ўзим ўқиган Хатирчи туманидаги 10-ўрта мактаб директори Усмон ака Исоқовдан ўқитувчилар вакили сифатида кеча ва бугуннинг фарқи ҳақида сўзлаб беришини сўрадим.

— Айни шу мавзудаги баҳслар бизда ҳам бўлиб туради, — дея сўз бошлади У.Исоқов. — Келинг, узоққа бориб ўтирмайлик. Ўзингиз гувоҳсиз, яқин-яқинларгача пастқам, кўчада тўрт томчи ёмғир ёғса, синф хоналарига саккиз томчи бўлиб томадиган синфларда дарс ўтардик. Қишда синф хоналарни ўтин-кўмир билан иситардик. Қор қалин тушса мактабни ёпиб қўйишга мажбур бўлардик. Чунки бошқа иложимиз йўқ эди. Бу масаланинг бир томони. Энди масаланинг иккинчи томонини ҳам таҳлил қилиб кўрайлик.

Маълумки, мактаб ўқувчисининг асосий вазифаси ўқиш, пухта билим эгаллаб, эртага эл-юртнинг корига ярайдиган мутахассис бўлиб етишишдир. Бундан атиги ўн беш йил олдин эса қишлоқ мактаблари ўқувчиси дала учун ишчи кучи сифатида тушуниларди.

Хуллас, чигит ерга қадалиб, то ҳосил йиғиб-териб олингунга қадар далада нимаики зарур юмуш бўлса, шубҳасиз, мактаб ўқувчилари балогардон эди. Бу орада пилла, ғалла, ҳаттоки, янтоқ чопиш ҳам ўқувчиларнинг зиммасига юклатиларди. Чунки шўро тузуми даврида ўқувчидан арзон, янаям тўғрироғи, текин ишчи кучи йўқ эди. На бирор-бир мактабнинг раҳбари, на ўқитувчилар бундай «ватанпарвар»ликка қарши чиқа оларди. Тўғрироғи, қарши чиқиб ҳам бўлмасди. Чунки "пахта – бу сиёсий масала" ҳисобланарди. Бир сўз билан айтганда, ўша йилларда мактабга мактаб директори эмас, балки колхоз раиси раҳбарлик қиларди. Албатта, раис учун ўқувчининг ўзлаштиришидан кўра кўпроқ дала ишлари муҳим ҳисобланади.

Бугун эса талаб умуман бошқача. Ўқувчидан фақат ўқиш талаб қилинади. Ўқитувчидан эса сифатли дарс ўтиш. Яхши ўқиш ва ўқитиш учун янги мактабимизда ҳамма имкониятлар мавжуд.

Шу ўринда яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтиш шарт, деб ўйлайман. Маълумки, саксонинчи йилларнинг охирларига келиб ўқитувчиларнинг обрўси жуда тушиб кетган, энг асосийси, мактаб берадиган маош билан оила тебратиш ҳам мушкул бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам кўпчилик яхши ўқитувчилар мактабни ташлаб, бошқа соҳаларга "уриб" кетишганди. Лекин истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб мактаб ва мактаб ўқитувчиларининг обрў-эътиборини кўтаришга ҳукумат миқёсида жиддий эътибор қаратилди. Бу борада Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Ўқитувчиларнинг маошлари замон талабларига жавоб бера оладиган даражада кўтарилди. Шунингдек, уларга яна бир қатор имтиёзлар яратилди. Натижада бир пайтлар мактабни ташлаб кетишга мажбур бўлган ўқитувчилар ҳам яна ўз қадрдон даргоҳларига қайтиб, ўқувчиларга сабоқ бера бошлашди.

Сўзимнинг сўнгида яна шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, бугунги ҳаётдан нолиб юрадиганлар келиб янги қишлоқ мактабларини бир кўришсин. Биргина Хатирчи туманида истиқлол йилларида қурилган янги лицей ва коллежларни томоша қилишсин. Бугунги ўқувчига яратилган имкониятлар билан танишишсин. Менинг назаримда, эзгулик ҳақида ўйлаган, яхшиликка умид қилган одамнинг уйига ҳамиша эзгулик ва яхшилик ташриф буюраверади. Зеро, шоир айтмоқчи, "Ҳикмат истаганга ҳикматдир дунё".

**Ислом ҲАМРО,**
**журналист.**

# ЎЗБЕК ЛИБОСИ — ШАРҚ ИБОСИ

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўпгина бадиий мактаблар, коллежлар ва олийгоҳлар ташкил этилганлигини яхши биламиз. Улардан бири Республика рассомлик коллежидир. Ушбу коллежда кўпгина рассомлар, санъат арбоблари билим олишган. Ҳозирги кунда ҳам коллежда номлари тилга тушаётган талантли ёшлар кўп. Иқтидорли ўқувчи Наргиза Маъсумова ана шулардан биридир. У ёш бўлишига қарамай либос санъатини пухта эгаллаб, бир қатор кўрик-танлов, халқаро либос фестивалларида қатнашди. Жумладан, Россияда бўлиб ўтган халқаро ёш дизайнерлар танлови фестивалида қатнашиб, катта ютуқларни қўлга киритди.

Танловда ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, рус, украин, белорус ва бошқа миллатларнинг миллий либослари кўриги бўлиб ўтди. Ҳар бир давлат вакили ўзининг миллий либосини тақдим этди. Наргиза Маъсумова томонидан тақдим этилган аёл ва эркак либосида ўзбек миллий матоларидан тортиб амалий безак санъат турларидан тўлақонли фойдаланилган. Энг муҳими,

**Қадрият**

Наргиза Москва дизайнерлар уюшмаси аъзо этиб сайланди ва тақдим этилган либослари махсус МДҲ миллий либослар каталогига киритилди.

«ЛЮБАКС» халқаро хайрия жамғармаси профессори, академик, халқаро дизайнерлар уюшмаси аъзоси Любовь Аксёнова унинг маҳоратига юксак баҳо берди. У Республика рассомлик коллежи директори ва унинг барча устозларига миннатдорчилик хати йўллади. Ушбу хатда ана шундай ёшларни тайёрлаб-тарбиялаётган Ўзбекистон таълим муассасалари фаолияти юқори баҳоланади.



**Зуҳра РАҲМАТОВА,**
**Республика рассомлик коллежи ўқитувчиси.**

**Обуна – 2007**

# «Халқ сўзи» ҳаммага керак

Жарқўрғондаги нуфузли идоралардан бири, аниқроғи, туман прокуратураси «Жарқўрғон» газетаси жамоасидан газеталарнинг тахламини бериб туришларини сўрабди. Жамоанинг ёши элликка яқинлашган камтарин мухбири Алишер Поёнов бу сўровни қўлларини кўксига қўйиб бажо келтирибди.

— Лекин «Халқ сўзи»нинг тахламларини кўзимиз киймади. Бермадик. Чунки «Халқ сўзи» ўзимизгаям ҳар куни керак бўлиб туради, — деди куюнчак мухбир.

Шу гурунгдан сўнг йўлимиз тушиб вилоят почта идорасининг Жарқўрғон туман шўъбасига бордик. Қарасакки, «Халқ сўзи»нинг тахлами жойида йўқ.

— Бир идора тахламни вақтинчаликка сўраб олишди, — дейди у ердагилар ярим таассуф билан. — Вақтида обуна бўлишмаган экан.

Дарвоқе, шунга ўхшаш таассуфнома гапни гоҳ-гоҳида Қумқўрғон почта алоқа бўлими бошлиғи Хуррам Раҳимовдан ҳам эшитиб қоламиз. Чунки почтанинг «Халқ сўзи»сини бир масъул раҳбар тахламлаб эмас, кунма-кун олиб кетар экан.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг
«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ
ички аудит хизматининг қуйидаги лавозимларига қабул эълон қилади:
• хизмат раҳбари — 1 киши;
• хизмат аудиторлари — 2 киши.
Номзодларга қўйиладиган талаблар:
- олий маълумот ҳақидаги диплом;
- малака сертификати;
- сўнгги ўн йилнинг камида охирги икки йили давомида бухгалтерия ҳисоботи, аудит, молия ва солиқ назорати соҳасида тажрибага эга бўлишлари керак.
Номзодлар ўзлари ҳақидаги маълумотлар (резюме)ни қуйидаги манзилга юборишлари мумкин:
700015, Тошкент ш.,
Туркистон к., 7-уй.
Тел.: 136-49-48, 136-44-45.
E-mail: uzjeldpass@mail.ru





«O`zbekenergota`mir» ОАЖ
ички аудит учун
сертификатга эга бўлган
аудиторларни ишга таклиф этади.
Маълумотлар (резюме)ни 2006 йил 25 декабргача
қуйидаги манзилга юбориш лозим:
Тошкент шаҳри, «Муртазоев» кўчаси, 8-уй.
Боғланиш телефонлари:
135-44-62, 135-22-19, 136-91-46.
Факс: 134-87-89.
Электрон почта: uztamir 2005 @/.mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси Илмий бўлим етакчи мутахассиси Шоҳида Содиқовага отаси
**Марҳабо МУСУРМОНОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Бадиий академияси жамоаси Таълим, методика ва ижодкор ёшлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Аблоберди Эгамовга акаси
**Анвар ЭГАМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Ўзбекистон Бадиий академияси Таълим муассасалари ва ижодкор ёшлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи, профессор А.Эгамовга акаси
**Анвар ЭГАМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент вилояти Маданият ва спорт ишлари бошқармаси Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази жамоаси бўлим мудири
**Алибой АЗИМОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1457. 20731 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.35 1 2 3 4 5